

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 28-ҳадис

28- وَعَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ وَأَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَوْ أَنَّ لَابْنِ آدَمَ وَادِيًّا مِنْ ذَهَبٍ أَحَبَّ أَنْ يَكُونَ لَهُ وَادِيًّا، وَلَنْ يَمْلأَ فَاهٌ إِلَّا التُّرَابُ، وَيَنْتُوبُ اللَّهُ عَلَى مَنْ تَابَ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6437، م 1049].

28. Ибн Аббос ва Анас ибн Молик розияллоху анҳумдан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар одам боласининг бир водий тилласи бўлса, икки водий бўлишини хоҳлади. Унинг оғзини фақатгина тупроқ тўлдиради. Аллоҳ тавба қилганнинг тавбасини қабул қиласди», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

**Шарҳ:** Имом Нававий бу ҳадиснинг шарҳида қуйидаги сўзларни айтдилар.

«Инсон дунёга қизиқиб, ҳарис бўлганидан ҳатто вафот топганида, қабрида қорни тупроққа тўлади. Бу ҳадис Одам боласини дунёга ҳарислиги ғолиб деган хукмни чиқаради».

«**Аллоҳ тавба қилганнинг тавбасини қабул қиласди**», деган сўз юқорига боғлиқ бўлиб, унинг маъноси: «Аллоҳ мазаммат қилинган очкўзликдан содир бўлган хато ва ундан бошқа мазамматли нарсаларни содир этиб амалга оширилган хато учун тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этишига далолат қиласди.

Одам боласини зикр қилиниши, инсон тупроқдан яратилганидир. Инсон табиати шундай зиқналик ва очкўзликка мойилдир. Аллоҳ таоло тавфиқига олганлар бу каби хислатлардан йироқ бўлиб, пок нафсга эришади. Ким Аллоҳнинг тавфиқига ноил бўлмаса, очкўзлигини тарбияламасдан шундай тек қўйса, унинг очкўзлиги мол тўплаш йўлида ҳалок қиласди.

Баъзилар: «**Унинг оғзини фақатгина тупроқ тўлдиради**», дегани киноя бўлиб ундан мақсад ўлимдир, деб айтишган. Яъни, инсон то вафот топгунича дунёга тўймайди, ирода қилинган.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

